

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

300 Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сон қарорини бажариш юзасидан, йўловчилар ташиш хавфсизлигини ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятининг зарур даражасини, йўловчи ташиш йўналишларида транспорт воситалари ҳаракати маромини, белгиланган жадваллар ва интервалларни, шунингдек ташувчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Йўловчилар автовокзаллари ва автостанцияларини қуриш ва реконструкция қилиш параметрлари 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги марказий аппаратининг янгиланган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳудудий бошқармаларининг янгиланган намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 53 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 43 нафар этиб белгилансин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан биргаликда — автобус йўналишларини ташкил этиш, янги автобуслар ва микроавтобуслар сотиб олиш, йўловчилар автовокзаллари, автостанцияларини, тўхташ бекатларини қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларини амалга ошириш тармоқ жадвалларининг бажарилиши юзасидан мунтазам мониторингни таъминласинлар;

янги автостанциялар, охириги тўхташ бекатларини қуриш учун ер участкалари ажратишда уларни йўловчилар учун қулай бўлган жойларда, йўловчилар тўпланадиган йирик пунктларда (темир йўл вокзаллари, аэропортлар, бозорлар ва бошқаларда), асосан хусусий инвесторларни жалб этиб, уларга йўловчилар ҳаракати хавфсизлигига тўсқинлик қилмайдиган фаолиятнинг бошқа турларини ташкил этиш имкониятини берган ҳолда, жойлаштиришни назарда тутсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан биргаликда — ҳар йили фаолият кўрсатиб турган ва янгидан ташкил этилаётган автобус йўналишларида йўл шароитларининг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини текширсинлар, зарурат бўлганда, таъмирлаш ишлари ўтказилишини таъминласинлар;

йўловчи ташишнинг амалда вужудга келаётган харажатларини қоплашни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиққан ҳолда шаҳар йўловчи транспортида юриш тарифларини ўз вақтида қайта кўриб чиқсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан биргаликда — тадбирларни амалга ошириш натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида, зарурат бўлганда, 2017 — 2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастурида назарда тутилган янги автобуслар ва микроавтобуслар сотиб олиш, автобус йўналишларини ташкил этиш, йўловчилар автовокзаллари ва автостанцияларини қуриш ва реконструкция қилиш параметрларига тузатишлар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

4. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига қуйидаги қўшимча функциялар юклансин:

автомобиль транспортида йўловчилар ва юклар ташувчи автотранспорт воситаларида лицензия карточкалари мавжуд бўлишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида (Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидан ташқари) халқаро автомобилларда ташувларни амалга ошириш шартларига риоя этилишини назорат қилиш.

5. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги:

тадбиркорлар томонидан тегишли давлат хизматларини олишда рухсат берувчи ва лицензия тартиб-таомилларини максимал содалаштиришни, сўраладиган ҳужжатлар сонини, уларни тақдим этиш муддатларини қисқар-

тишни назарда тутувчи ягона-ахборот-интеграция тизими жорий этилишини 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида тугалласин;

фуқароларнинг Интернет тармоғи, «ишонч телефони», Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали тушаётган мурожаатларига тезкор муносабат билдирилишини таъминласин;

йўналишларда йўловчи ташиш транспортида хизмат кўрсатиш юзасидан намунавий контрактларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин, уларда йўловчилар ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш ва тендер контракт шартлари бажарилмаслиги ёки зарур тарзда бажарилмаслигининг ҳар бир аниқ ҳолати учун автомобилда йўловчилар ташувчиларга нисбатан чораларни назарда тутсин ҳамда йўловчи ташишни ташкил этиш бўйича барча ҳудудий комиссиялар томонидан ўз вақтида бажарилиши учун етказсин;

Автомобиль транспортида йўловчилар ва юклар ташувчи автотранспорт воситаларида лицензия карточкалари мавжуд бўлишини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро автомобилларда ташувларни амалга ошириш шартларига риоя этилишини, ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимига риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни, шунингдек Агентликнинг назоратни амалга оширувчи ходимларига нисбатан малака талабларини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Агентлик ходимларини формали кийим-бош билан таъминлаш юзасидан икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 146¹-моддасида (ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича қонунда белгиланган мажбуриятини бажармаслиги), 165-моддасида (фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш), 176³-моддасида (автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш), 176⁴-модданинг биринчи қисмида (таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлашга, ягона таниш белгилари билан жиҳозланмаган ёки белгиланган талаблар бузилган ҳолда жиҳозланган таксиларни йўлга чиқармасликка доир талабларни бузиш), 198-моддасида (ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш) назарда тутилган автомобилларда ташувлар соҳасида ҳуқуқбузилишлар тўғрисидаги протоколлар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳудудий бошқармаларининг инспекторлари томонидан тузилади;

ундириладиган жарималар суммасининг 25 фоизи Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг махсус банк ҳисоб рақамига ўтказилади ва улардан Агентликнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун фойдаланилади.

7. «Ўзавтосаноат» АК:

етказиб бериш ва молиялаштиришнинг тасдиқланган тармоқ жадвалларига қатъий мувофиқ равишда автобусларнинг харидорларга белгиланган муддатларда етказиб берилишини таъминласин;

республикада йўловчилар ташиш микроавтобуслари ишлаб чиқаришни ташкил этишни етакчи халқаро компаниялар билан ишлаб чиқишни жадаллаштирсин ва таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин, шунингдек баъзилари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 25 апрель,
238-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 апрелдаги 238-сон қарорига
2-ИЛОВА


**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 53 киши,
шу жумладан бошқарув ходимлари — 43 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 апрелдаги 238-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти
агентлиги ҳудудий бошқармасининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



14 та ҳудудий бошқармалар ходимларининг чекланган умуми сони — 639 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари сони — 218 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари сони — 396 киши, шу жумладан:

*Қорақалпоғистон Республикасида — 42 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 17 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 23 киши;
Андижон вилоятида — 57 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 15 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 40 киши;
Бухоро вилоятида — 43 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 15 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 26 киши;
Жиззах вилоятида — 30 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 15 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 14 киши;
Қашқадарё вилоятида — 48 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 15 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 31 киши;
Навоий вилоятида — 34 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 15 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 18 киши;
Наманган вилоятида — 49 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 15 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 32 киши;*

*Самарқанд вилоятида — 48 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 15 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 31 киши;
Сурхондарё вилоятида — 37 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 17 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 18 киши;
Сирдарё вилоятида — 25 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 15 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 9 киши;
Тошкент вилоятида — 58 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 16 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 40 киши;
Фарғона вилоятида — 57 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 15 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 40 киши;
Хоразм вилоятида — 45 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 17 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 26 киши;
Тошкент шаҳрида — 66 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 16 киши ва ишлаб чиқариш ходимлари — 48 киши.*

* Автомобилларда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан назорат шуббаси ходимлари сони 1000 та тижорат автотранспорт воситалари учун 2 нафар ходим ҳисобидан белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 апрелдаги 238-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерларни ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 7-бандида:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«бўлиб ўтмаган тендер муносабати билан йўналиш ташувчининг хизматисиз қолади. Комиссия йўналишга (йўналишлар пакетида ёки жадвалига) такрорий тендер натижаларигача бўлган даврга контрактнинг амалда бўлишини узайтиради ёхуд исталган ташувчига ушбу даврда мазкур йўналишга хизмат кўрсатишни юклайди»;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 44-модда) билан тасдиқланган Шаҳар атрофи, шаҳарлараро (вилоят ичида, вилоятлараро) ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги низомда:

2-банддаги «Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўриқдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, Давлат автомобиль назорати бошқармасининг муҳри билан тасдиқланган ижобий далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади» сўзлари чиқариб ташлансин.

5-бандга қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«бўлиб ўтмаган тендер муносабати билан йўналиш ташувчининг хизматисиз қолади. Комиссия йўналишга (йўналишлар пакетида ёки жадвалига) такрорий тендер натижаларигача бўлган даврга контрактнинг амалда бўлишини узайтиради ёхуд исталган ташувчига ушбу даврда мазкур йўналишга хизмат кўрсатишни юклайди»;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

16-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«16. Тендер таклифлари Комиссиянинг ҳар бир аъзоси томонидан қуйидаги тартибда кўриб чиқилади ва баҳоланади:

а) қатнашчи томонидан йўналишдаги 1 нафар йўловчи км. учун тавсия этилаётган тариф даражаси учун — Комиссия талаб этадиган ташиш тарифи ўрнига даражани пасайтиришнинг ҳар бир пункти учун ортиб борадиган коэффициентни қўллаган ҳолда беш балли тизим бўйича;

б) транспорт воситасининг русуми, ишлаб чиқарилган йили учун — та-

бақалаштирилган баллар бўйича. Бунда транспорт воситаси русуми учун олинган балларга 1.15 миқдорда оширувчи коэффицент қўлланади, агар транспорт воситаси тендер қатнашчисининг мулки бўлса;

в) ташиш учун тавсия этилаётган автотранспорт воситаларининг умумий сифими учун — табақалаштирилган баллар бўйича.

Комиссия йўналишда ишлаш учун талаб қилинадиган автомобиль русумини ва унинг бўйича табақалаштирилган балларни мустақил равишда белгилайди;

г) автобуслар иш режимининг тавсия этилаётган варианты учун — беш балли тизим бўйича;

д) йўналишдаги рейсларнинг тавсия этилаётган сони учун — беш балли тизим бўйича;

е) йўналишларда ишлашда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар режаси — беш балли тизим бўйича. Бунда ташувчи беш баллни қуйидаги мажбурий шартларни бажарган тақдирда олади:

транспорт воситаларининг ҳар куни рейсдан олдинги техник назоратини таъминлаш;

ҳайдовчиларнинг ҳар кунги тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш;

ҳайдовчиларни Йўл ҳаракати қоидаларининг 30 соатли дастури бўйича ўқитиш.

Комиссия, йўналишга аниқ талабларни ҳисобга олган ҳолда, иштирокчиларнинг тендер таклифларини баҳолашга қўшимча талабларни тавсия этишга ҳақлидир.

Тендер таклифларини баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган йўриқнома-методик хужжатлар ва уларнинг шакллари Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 10 мартдаги 118-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 27-модда):

а) 1-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«автомобиль ва дарё транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш, автотранспорт хизматлари сервисини кенгайтириш»;

олтинчи хатбошидаги «ва дарё» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«автомобиль транспортида йўловчилар ва юклар ташийдиган автотранспорт воситаларида лицензия карточкаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автомобилда халқаро ташувлар шартларига риоя этилишини назорат қилиш (Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидан ташқари);

хайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимига риоя этилишини назорат қилиш»;

б) 2 ва 3-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 53 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 43 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига агентлик бошлиғи ўринбосарининг бир нафар ўринбосари ҳамда шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган беш кишидан иборат бўлган ҳайъати бўлишига рухсат этилсин.

Агентлик бошлиғига марказий аппарат ҳамда ҳудудий бошқармалар тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган сони ва таъминоти харажатлари сметаси доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин»;

в) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 3-илова 2-илова деб ҳисоблансин;

д) 2-иловада (Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тўғрисида низомда);

7-бандда:

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«автомобиль ва дарё транспорти хизматлари бозорида бозор муносабатларини ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш, автотранспорт хизматлари сервисини кенгайтириш».

олтинчи хатбошидаги «ва дарё» сўзлари чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларда назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автомобилда халқаро ташувлар шартларига риоя этилишини назорат қилиш (Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидан ташқари);

автомобиль транспортида йўловчилар ва юклар ташийдиган автотранспорт воситаларида лицензия карточкаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

хайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимига риоя этилишини назорат қилиш»;

8-бандда:

«в» кичик бандида:

биринчи хатбошига «йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш, автотранспорт хизматлари сервисини кенгайтириш» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ташувлар йўналишларини тендер бўйича амалга ошириш механизмларини жорий этади, йўловчиларнинг сифатли ва хавфсиз ташилишини таъминлаш учун мақбул шароитларни назарда тутадиган шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларида хизмат кўрсатиш ҳуқуқига намунавий контрактларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, тендерлар ташкилотчилари ишини мувофиқлаштиради»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташувлар қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида автобусларда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларга риоя этилиши, йўловчилар ташиш йўналишларига хизмат кўрсатиш ҳуқуқига тендер контрактлари шартларини бажариш, ташувчилар томонидан белгиланган графиклар, жадваллар, ташиш тарифларига риоя этилишини тизимли назорат қилишни ташкил этади»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

«д» кичик бандидаги «ва дарё» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги «ж» ва «з» кичик бандлари қўшилсин:

«ж) давлат божхона хизмати органлари вакиллари билан ўзаро ҳамкорликда халқаро автомобилларда ташувларни амалга оширишда рухсат бериш тизимига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

з) автомобилларда ташувлар соҳасида Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 146¹, 165, 176³-моддаларида, 176⁴, 198-моддаларининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида белгиланган тартибда протокол тузатилади»;

10-бандда:

учинчи хатбошидаги «режадан ташқари» сўзлари «қисқа муддатли» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташувлар қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида автобусларда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларга риоя этилиши юзасидан назоратда қатнашиш учун шартнома асосида мутахассисларни жалб этиш»;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши қўшилсин:

«йўловчилар ташишни ташкил этиш бўйича ҳудудий комиссиялардан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳокимликларининг йўловчилар ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатларини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментларидан ҳамда шаҳар йўловчилар ташиш транспортини бошқариш бўйича махсус ваколатли органлардан йўловчилар ташиш йўналишлари иши масалалари бўйича ахборотларни сўраш ва олиш»;

еттинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 1-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик

тендерларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 2-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«бўлиб ўтмаган тендер муносабати билан йўналиш ташувчининг хизматисиз қолади. Комиссия йўналишга (йўналишлар пакетига ёки жадвалига) такрорий тендер натижаларигача бўлган даврга контрактнинг амалда бўлишини узайтиради ёхуд исталган ташувчига ушбу даврда мазкур йўналишга хизмат кўрсатишни юклайди».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «шаҳарлараро ва» сўзлари чиқариб ташлансин; учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«йўловчилар ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ташишлар бўйича (Тошкент шаҳрида, Тошкент вилояти шаҳарларида ва шаҳарлари атрофида йўловчиларни ташиш бундан мустасно) — Агентликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан»;

б) 5-бандда:

иккинчи хатбошида:

«а», «б» ва «в» кичик бандлари чиқариб ташлансин;

«г» — «ф» кичик бандлари тегишли равишда «а» — «с» кичик бандлари деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лицензиат лицензияловчи органга мурожаат қилганда бир ариза бўйича ушбу лицензияловчи орган томонидан бериладиган лицензия турларининг бир неча қисмини олиш ҳуқуқига эга»;

в) 7-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензия карточкаси — лицензия талаблари ва шартларига мажбурий тарзда риоя қилинган ҳолда йўловчилар ва юкларни ташишда фойдаланиладиган ҳар бир автотранспорт воситасига лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун бериладиган рухсатнома (лицензия)»;

иккинчи ва учинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тижорат ташувларида лицензия карточкалари билан таъминланмаган автомобиль транспорти воситасидан фойдаланиш ноқонуний ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга олиб келади»;

г) 8-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ушбу Низомнинг 23-бандида назарда тутилган ҳолатларда, шунингдек автотранспорт воситасининг давлат рақами белгиси ўзгарганда, автотранспорт воситасининг юк кўтариш ёки йўловчи сифими кўпайганда (камайган-

да), бир автотранспорт воситаси шу классдаги бошқа автотранспорт воситасига алмаштирилганда ушбу автотранспорт воситасига мавжуд лицензия карточкалари асосида лицензия талабгорининг лицензия карточкаларини қайта расмийлаштириш бўйича аризасига кўра — қайта расмийлаштирилган лицензия карточкалари берилди»;

д) 9-банднинг «ж» кичик бандига «йўловчиларни» сўздан кейин «йўловчилар ҳуқуқларига, ҳаракатланишнинг белгиланган жадвалларига, транспортда юриш тарифларига риоя этган, йўловчиларнинг белгиланган тоифаларини текин ва имтиёзли тарзда ташишни таъминлаган, қоида бузиш, антисанитария ҳолларига хизмат кўрсатишнинг сифатининг паст бўлишига йўл қўймаган ҳолда» сўзлари қўшилсин;

е) 10-банднинг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ж) 12 ва 13-бандлардаги «лицензия» сўзи «лицензия/лицензия карточкаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 15-банддаги «лицензия бланкаларининг» сўзлари «лицензия ва лицензия карточкаси бланкаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 17-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия битими илова қилинган ва банк ҳисоб рақамининг реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма ёки электрон шаклда лицензия талабгорига юборилади (топширилади)»;

к) 23-банднинг биринчи хатбошидаги «таъсис ҳужжатларига киритилган рўйхатдан ўтказилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари» сўзлари чиқариб ташлансин;

л) VII бўлим номидаги «лицензиянинг» сўзи «лицензиянинг/лицензия карточкасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 28-бандда:

биринчи — учинчи хатбошилардаги ва бешинчи хатбошидаги «лицензиянинг» сўзи «лицензиянинг/лицензия карточкасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошида:

«лицензиянинг» сўзи «лицензиянинг/лицензия карточкасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

«беш» сўзи «уч» сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«Лицензиянинг/лицензия карточкасининг» амал қилишини тўхтатишда лицензияловчи орган лицензиатдан лицензия талаблари ва шартлари бузилишига йўл қўйилган автотранспорт воситасига берилган лицензия карточкасини олиб қўяди»;

н) 29-бандда:

биринчи — учинчи хатбошилардаги, еттинчи, саккизинчи, ўнинчи — ўн учинчи хатбошилардаги «лицензиянинг» сўзи «лицензиянинг/лицензия карточкасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«лицензия талаблари ва шартлари мунтазам ёки бир марта қўпол тарзда бузилганда»;

о) қуйидаги мазмундаги 29¹-банд қўшилсин:

«29¹. Қуйидагилар лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг қўпол тарзда бузилиши ҳисобланади:

лицензиатнинг штатида Агентлик томонидан белгиланган тартибда тегишли лавозимни эгаллаш учун аттестациядан ўтган, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган мансабдор шахсларнинг бўлмаслиги;

лицензиат томонидан ишлатиш учун белгиланган тартибда рухсат этилмаган ва йўлга чиқишдан олдин техник кўриқдан ўтмаган автотранспорт воситаларидан фойдаланилиши;

даврий тиббий кўриқдан ва йўлга чиқишдан олдин тиббий кўриқдан ўтмаган ҳайдовчиларнинг ишлашига йўл қўйилиши;

лицензия карточкалари билан таъминланмаган автотранспорт воситаларига йўл варақаларининг берилиши»;

п) 30-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензияни/лицензия карточкасини бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган тартибда ва ҳолатларда амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензияни/лицензия карточкасини бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ёзма (электрон) шаклда, асосланган ҳолда қарор қабул қилинган кунидан бошлаб уч кундан кечикмай етказилади. Суднинг лицензияни/лицензия карточкасини бекор қилиш тўғрисидаги қарори лицензиатга ва лицензияловчи органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади»;

тўртинчи хатбошидаги «лицензиянинг» сўзи «лицензиянинг/лицензия карточкасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

р) 31-бандда:

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги учта хатбошилар сифатида баён қилинсин:

«лицензия ва лицензия карточкасининг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензия ва лицензия карточкасининг амал қилиш муддати;

автотранспорт воситасининг русуми ва давлат рўйхатидан ўтказилган рақами»;

олтинчи — ўнинчи хатбошилар еттинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

с) 33-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Автотранспорт воситасининг юк кўтариш ёки йўловчи сифими кўпайиши муносабати билан лицензия карточкасини қайта расмийлаштиришда давлат божи ундирилмайди».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларининг 23-позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

23.	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги	Автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташишга лицензиялар берилганлиги, шунингдек автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташишга берилган лицензияларнинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун давлат божи	25
		Автомобилларда ташувлар соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарималар суммаси	25

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 январдаги 2-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 1-сон, 4-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.